



Машхур тарихчилар ҳам Наполеоннинг 1769 йил 15 августда тугилганига шубха килмайдилар. Бирок императорнинг ўлими борасида гап кетганда турли фикрлар калашиб ётади. Айримлар уни 1821 йил 21 май куни Мукаддас Елена оролида казо килган дейишаса, айрим бу тахминни мутлако инкор этишдан ҳам тоймаяптилар... Эҳтимол, унинг 52 ёшидаёқ оламдан ўтгани ростдир. Бунинг устига, императорнинг ўзига ўзи ўлим тилагани сир эмас.

Захар ичиб, нариги дунёга равона бўлишга жажд килганлигини айтмайсизми? Лекин, умр шами липиллаб-липиллаб ёниб турса-да, ўчмай қолади.

Наполеоннинг ўлими хакида миш-мишлар турлича. Эмишки, Албина деган аёл билан Наполеон бир-бирларини жуда каттик севишган. Вахоланки, Албинанинг Монтолон исмли эри бўлган. Император кўпинча вино истеъмол килар эди. Балки, захар Монтолон томонидан винога кўшиб берилгандир? Яна ким билади, дейсиз?

Страсбургдаги суд медитсина институтининг икки олими императорнинг соч толаларини синчиклаб текшириб чикдилар. Текшириш натижасида шундай хулосага келишди: соч толаларидаги маргимуш микдори меъёридагидан 35 марта зиёд эканлиги ошкор бўлиб колди. демак, Наполеон ошқозон саратони касаллигидан вафот этмаган. Император захар оркали нариги дунёга равона бўлган! Миллиардер, «Халқаро Наполеон жамияти»нинг асосчиларидан бири Бен Уайдер Франтсия давлати раҳбарларига мурожаат қилиб, императорнинг қабрини текшириб, хақиқатан захарланишдан казо килганлигини далиллар асосида кўрсатиб беришга бел болаган.

Император қариган чоғида қандай ахволга тушиб колган эди? У тинмай йўталар, сочлари тўкилиб кетганди. Ўзи сургун бўлган оролга келган кишиларга соч толаларидан биттадан бериб юборганлигини айтмайсизми? Бунинг устига Императорнинг териси хаддан зиёд саргайиб колган. Яна характерли жихати, Наполеоннинг лаблари бирданига қўқариб кетганлиги, умрининг сўнгги кунларида қар бўлиб колганлиги ҳам бир қатор манбаларда кўрсатилган.

Айримлар Наполеон бир киши бўлмаганлиги хакида аниқ далиллар асосида фикр

юритадилар. Демак, унинг киёфадошлари ҳам бўлганлиги сир эмас. Киприани деган кишини ҳам Наполеон дея атаганлар. Аммо, у хакикий Наполеондан уч йил аввал казо килади.

Бу каби мисоллар кўп. Шундай далилларга асосланиб айримлар императорнинг ўлими хакида турли тахминларни илгари сурадилар.

Наполеон катта давлатларни забт этиб, хатто бутун дунёга хукмрон бўлишни орзу килган бўлса-да, хавас киладиган даражадаги хаёт кечирди, дейиш мушкул. Умрининг бир кисми туткунликда, хатто сургунда ўтганлиги ҳам манбаларда кайд этилган. Лекин у анойилардан эмаслигини кўрсатиб кўяди: сургун пайтида «куённинг расмини чизади». Хатто бир кундаёк ўз императорлик курсисини эгаллаб олади. Уч ойдан ошик вақт олий мансаб курсисини ҳеч кимга бермайди.

Лекин, тақдир уни яна олис гўшаларга иткитиб юборади. Энди у Мукаддас Елена оролида туткунликда умрининг сўнгги дакикасигача олти йил умр кечиради. Хаттоки унинг хуфёна душмани Монтолон ҳам охириги дамгача у билан бирга бўлганлигига нима дейсиз? Балки Наполеон Монтолон томонидан захарланганлиги хакидаги далиллар ростдир?

Наполеон хаёти хакикатан ҳам сирли бўлган. Бунга айрим мисоллар келтира қолайлик.

Бир куни Ленорман деган фолбиннинг олдига Жозефина деган аёл келади ва шундай жавоб олади:

— Шошилманг хоним, биров муддатдан кейин бутун Франтсия сизнинг кўлингизда бўлади!

Кизик, нахотки фолбин рост айтаётган бўлса? Товламачи эмасмикин? Худди шу фолбинга Наполеон ҳам келади. Фолбин унга дейди:

Мана сиз ҳам келдингиз, менинг хазратим. Сизнинг никохингиз аллақачон хал бўлган. Сизнинг ўз кайлигингиз билан учрашувингиз колган, холос. Сиз олтига юксак вазифада ишлайсиз. Тожга эгалик қиласиз, қирк ёшгача шухрат нурларига чўмиласиз, қирк ёшингизда ёрингиз Оллох томонидан сизга юборилганини унутасиз ва уни ташлаб кетасиз. Бу барча инкирозларингизнинг бошланиши бўлади. Сиз ёлғизлик изтиробларида умрингизни якунлайсиз. Барча яқинларингиз сиздан юз ўгирадилар.

Табиийки, Наполеон бу хайратомуз гапларга ажабланади ва нима дейишни бимасдан лол қолади. Хатто бу гаплардан газабланиб кетади.

— Нималар деяпти бу жин ургур? Нега мен бировларнинг гапига кириб фолчига келдим?

Лекин, Наполеон қанчалик газаб отига минмасин, башоратчининг сўзлари тўппа-тўғри эди. У бўлажак императорнинг қисмати башорат қилаётган эди!

Фолбиннинг айтганлари деярли рост бўлиб чиқди.

Ҳақиқатан ҳам Наполеон битмас-туганмас хазиналарга эга бўлганми? У Россиядан қайтаётганида олтинларни ташиб кетган, деган миш-мишлар ростмикин? Гумон қилган кишилар Семлево кўлининг тубигача текшириб кўрдилар. Бирок, хазинадан ном-нишон йўқ эди.

Тўғри, бойликларнинг бир қисмини руслар кўлга киритишади. Лекин, колгани қайёққа гойиб бўлиши мумкин? Энди ажойиб ёзувчилардан бири Волтер Скоттнинг қуйидаги сўзларига эътиборингизни қаратмоқчи эдим:

— Ўзи билан олиб кетиш имконияти бўлмаганлиги ва уларнинг қайтадан руслар кўлига тушиб қолишини истамаганлиги учун фронтсуз императори Москвада эгаллаган ўлжалар — қадимги буюмлар, тўплар ва катта хочни Семлево кўлига улоқтиришни буюрди.

Машҳур ёзувчининг ушбу гаплари худди арининг уясини бузгандек гап бўлди. Ҳар тарафдан олтинга ўч одамлар ёпирилиб кела бошладилар. Хатто Смоленск губернатори бўлиб ишлаган Н. Хмелнитский ҳам бу бойликлардан мосуво бўлмаслик ҳаракатига тушиб қолди. Унинг буйруғи билан кидирув ишлари олиб борилди. Бирок барча ҳаракатлар беҳуда кетди.

Жовли Хушбоков

"Туркистон" газетасидан олинди